



СЕМИОПРАГМАТИК МАЗМУННИНГ ИФОДАЛАНИШИ

Муҳаммад Ҳакимов¹, Василахон Хамдамова²

¹ ф.ф.д., Фарғона давлат университети, Ўзбекистон, Фарғона

² магистрант, Фарғона давлат университети, Ўзбекистон, Фарғона

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7161742>

ARTICLE INFO

Received: 01st October 2022

Accepted: 04th October 2022

Online: 08th October 2022

KEY WORDS

семиотика, семиология,
белги, лисоний белги,
синтактика, семантика,
прагматика, прагматик
мазмун, интерпретанта,
репрезентамен, белгида акс
топаётган объект

ABSTRACT

Семиотика фани ўз тараққиёт жараёнида учга – синтактика, семантика ва прагматикага бўлинади ҳамда прагматика бошқаларига қараганда муҳим тадқиқот объектига айланади. Сўзловчи ўз нутқи орқали ахборот бериш билан бирга, тингловчига нисбатан муносабати, эмоционаллигини ҳам ифодалайди. Ушбу мақолада лисоний белгининг нутқий мулоқот жараёнида янгича мазмун касб этиши, прагматик мазмун ифодалаши ёритилган.

Қадимги Грецияда эпикурийлар ва стоиклар бевосита кузатишда берилган ҳодисалар билан сезги аъзолари ёрдамида ҳис қилиш мумкин бўлган моҳиятлар ўртасидаги ассоциатив алоқани ўрганишга асосий эътиборни қаратишди. Бу жараёнда уларнинг умумийликка эга бўлиши натижасида белги назарияси вужудга келди ва бу назария эса семиотика номи билан тарқалди. Белгининг гносеологик функциялари билан антик даврда Платон, Аристотель, XVII-XVIII асрларда Ж.Локк, Г.В.Лейбниц шуғулланади. XIX аср охирига қадар белги назарияси фақат файласуфлар эътиборида бўлди ва худди шу даврдан бошлаб В.Гумболт, Шлейхер, Штейнтал, Л.Бреал, А.Мейе, Ф.Фортунатов, И.А.Бодуен де Куртене,

Н.Крушевский асарларида сўзга икки томонлама характерга эга бўлган белги сифатида ёндашилади. 50-йиллардан структурализм эришган муваффақиятлар ҳамда семиотика фанининг ривожланиши билан лингвистик муаммоларни семиотик аспектда ўрганиш натижасида лингвистика “инсон билимлари системасида марказий ўрин олувчи фанга айланди”.¹ Белгининг турли аспектларини қамраб олувчи турли таърифлари бор. Белгига энг мукамал таъриф Ю.С.Маслов томонидан берилди. Ю.С.Маслов белгини таърифлашда унинг барча қирраларини қамраб олади. “Белги – бу идрок қилинадиган нарса бўлиб, идрок қилувчига ўзи ҳақида ва ушбу белгидан

¹ Звегинцев В. А. Теоретическая и прикладная лингвистика. М., 1968. С.

² Маслов Ю. С. Какие языковые единицы целесообразно считать знаками? - В кн. Язык и мышление. М., 1967. с. 284.



ташқарида бўлган бошқа нарса ҳақида маълумот берувчи воситадир”.² Бу эса лисоний бирликларни белги эканлигидан далолат беради.

Швейцариялик тилшунос Ф.де Соссюр ва америкалик мантиқшунос Ч.С.Пирс дастлаб белгилар ҳақидаги фаннинг асосий принциплари ва хусусиятларини очиб беради. Ф.де Соссюр тилни “тушунчаларни ифодаловчи белгилар системасидир” деб атайди ҳамда белгилар ҳақидаги фанни “Семиология” деб номлайди. Ч.С.Пирс эса бу фанни “Семиотика” номи билан атайди, бу ном белгиларни ўрганувчи фан сифатида кенг тарқалади. Ф.де Соссюр ва Ч.С.Пирс ғояларини америкалик файласуф Ч.У.Моррис янада кенгроқ ривожлантиради.

Жамиятда белгилар турлича бўлади ва уларнинг ўзига хос вазифаси бор. Бундай белгилар орасида информатив белгилар ахборот олиш ва етказиш учун хизмат қилиши билан муҳим аҳамият касб этади. Информатив белгиларнинг энг асосийси эса тил таркибини ташкил этувчи морфема, сўз, сўз бирикмаси, гап ва матн кабилардир. Лисоний белги семиотикадаги асосий тушунчадир. Бу белгилар орқали биз маълум ахборотни оламиз ва бошқаларга етказамиз. Шунинг учун ҳам улар коммуникация воситаси ҳисобланади. Адресант белги орқали муайян ахборотни адресатга етказишдан ташқари унга маълум эмоционал-экспрессив таъсир этишни ҳам кўзлайди. Айтиш мумкинки, аксарият ҳолларда белгининг

мазмунида сўзловчининг модал муносабати ҳам ифодаланади. Белгида ифодаланган бундай муносабат прагматик муносабат дейилади. Прагматик муносабатларни ўрганувчи соҳа эса прагматика ҳисобланади.

Прагматика (прагма) юнонча “амалга оширилган, бажарилган иш”³, шунингдек, “ҳаракат”, “фаолият”⁴ маъноларини ифода этади. Прагматика семиотиканинг таркибий қисми бўлиб, белгининг тилдан фойдаланувчига муносабатини ўрганади.

Тилнинг жамиятда бажарадиган муҳим вазифаларидан бири – мулоқот воситаси ролини ўташидир. Прагматик билим, ўз навбатида, инсон фаолияти давомида тўпланган тажриба натижасидир, ахборот алмашинуви жараёнида ушбу билим лисоний воқеланади ва шу йўсинда онгда сақланади. Лекин ҳар бир алоҳида нутқий мулоқот пайтида лисоний белги янгича мазмун ифодалай олиши мумкин.

Жумладан, Саид Аҳмаднинг “Қорақўз мажнун” ҳикоясидан келтирилган қуйидаги парча ва Ғафур Ғуломнинг “Шум бола” қиссасидан олинган парчани қиёслаймиз.

Бу гапларни эшитиб, кампир ер ёрилмади-ю, кириб кетмади. Боласи тушмагур-ей, қўшни хотинларнинг олдида шу гапларни айтиб ўтирибди-я! Бировга сўзини бермайдиган **эррайим** кампирнинг шохи синди, остона ҳатламай уйда муқим ўтириб қолди. (С.Аҳмад “Қорақўз мажнун”)

Ана шу яллачиликнинг пулидан эргинамиз Раҳмат хожи бунчалик

³ Маҳмудов Н. Ўзбек тили синтаксисининг долзарб масалалари // Ўзбек тили ва адабиёти. 1990. №2. – В.25.

⁴ Ҳакимов М. Ўзбек прагмалингвистикаси асослари. - Тошкент., 2013. 56-bet



эррайим бўлиб юрибди. (Ғ.Ғулом “Шум бола”)

Қиёслаш учун берилган эррайим сўзининг семантик табиатига назар ташлайдиган бўлсак, Ўзбек тилининг изоҳли луғатида бу сўз шундай изоҳланади: **“Текин даромаддан босар-тусарини билмай қолган ёки ўзгаларнинг мулки, бойлиги устидан каттаконлик қилувчи одам; зўравон; валламат”**.⁵ Эррайим сўзи ўзининг белгиларини биринчи парчага нисбатан иккинчи парчада тўлиқроқ ифодалаган. Айнан шу лисоний белгининг ишлатилиши Раҳмат ҳожининг ижтимоий ҳолати, характерини очиб берувчи восита сифатида ижодкор назарда тутган ижтимоий-прагматик концептни шакллантиради ва ўз навбатида, китобхон (ўқувчи) онгида қаҳрамон характерини гавдалантиради. Юқорида “Қоракўз Мажнун” ҳикоясидан келтирилган парчада эса эррайим сўзи кампирга нисбатан “текин даромаддан босар-тусарини билмай қолган ёки ўзгаларнинг мулки, бойлиги устидан каттаконлик қилувчи одам” маъносини ифодалай олмайди.

“Шум бола” қиссасидан келтирилган қуйидаги парчада прагматик мазмун киноявий бирикмалар орқали ифодаланади. “Пўлатхўжанинг отаси қалъа савдогари бўлиб, беш-олти йиллаб Қашқарда, Ирбитда савдогарчилик билан юрган йилларида онасининг қорнида “олти ойлик ёпишиб қолиб”, дадаси келган йили уч ойдан кейин туғилган экан”. Парчада келтирилган **“олти ойлик ёпишиб қолиб”** бирикмаси ёзувчи томонидан киноявий усулда берилади ва ижодкорнинг

прагматик мақсадини очиб беришга хизмат қилади.

Худди шу асардан олинган қуйидаги парчага эътибор берамиз:

– Кўздак оғайнимиз, Омон! – дедим. – бундай бир-биримизни алдаб юришимиз яхши эмас. Кел, ҳали ҳам кекни ташлайлик, “Маслаҳатли тўн тор келмас”, деганлар. Бир иш бўлса маслаҳат билан қилайлик. Мен ҳам бугун “зиёфат” еявериб жуда ҳам сассиқ кекирдак бўлиб кетдим. Ростини айцам, хўжайинга “мирзалик” қилишдан ҳам бўларим бўлди.

А.Нурмонов “Лингвистик белги хусусиятлари” асарида лингвистик белгининг беш томони – синтактик, семантик, сигматик, прагматик, уядошлик муносабатлари ҳақида фикр юритади. Юқоридаги парчани худди шу йўналишда таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз. Мазкур парчада қаҳрамоннинг коммуникатив ниятини киноя усулида берилган икки сўз – **“зиёфат”**, **“мирзалик”** белгиларидан билиб олишимиз мумкин. Лингвистик белгининг синтактик томони унинг бошқа белгилар билан синтагматик алоқага киришиш имкониятини белгилайди. Бизга ҳавола этилган гапдаги “зиёфат” сўзи еявериб сўзи билан кетма-кет боғланган. Бу унинг синтагматик муносабатидир. Зиёфат сўзи меҳмондўстлик, меҳмондорчилик, банкет сўзлари билан синонимлик муносабати асосида боғланиши лингвистик белгининг парадигматик муносабатини ташкил қилади. Шу билан бирга, зиёфат сўзининг ифода томони билан маъно томони ўртасида ҳам барқарор муносабат мавжуд. Бу

⁵ Ўзбек тилининг изоҳли луғати 5-жилд. – Тошкент., 2006. 51-бет



муносабат белги нимани ифодалашини ёки борлиқдаги нарса ва ҳодисалар, белги ва хусусиятлар, ҳаракат-ҳолатларнинг онгдаги умумлашган образлари қандай номланишини ифодалайди. Зиёфат сўзининг “тантанали меҳмондорчилик” маъносини билдириши мазкур лингвистик белгининг семантик томони ҳисобланади. Лингвистик белгилар инсон томонидан маълум бир ахборотни бошқаларга етказиш учун ишлатилганлиги сабабли улар коммуникация воситаси саналади. Сўзловчи белгилар орқали маълум ахборотни етказиш билан бирга белгига эмоционал-экспрессив бўёқ ҳам юклайди. Зиёфат сўзининг киноя, яъни пичинг, кесатиқ усулида берилиши унинг прагматик муносабатини очиб беради. Яъни зиёфат мазкур гапда меҳмондорчилик маъносида қўлланмаган, аксинча бу белги кўчма маънода қўлланиб, кун бўйи туз ҳам тотмаганлигини ифодалашга хизмат қилади.

Г.Г.Почепцов “прагматик хусусиятлар кўплаб, қатор қўлланишлар маҳсули сифатида юзага келади ва мавжуд бўлади”⁶, деб қайд этган эди. Шундан келиб чиққан ҳолда, лисоний бирликлар бирор-бир аниқ мулоқот вазиятида фаоллашгандагина прагматик таҳлил объектига айланиши мумкин. Саид Аҳмаднинг “Қоплон” сатирик ҳикоясида қўлланган лисоний белги – **ит** сўзи айнан ана шу нутқ шароитидагина прагматик мазмун ифодалашини мумкин, уни нутқдан ташқарига олиб қўйсак, прагматик маъноси эмас, балки денотатив маъноси англашилади.

⁶ Почепцов Г.Г. О месте прагматического элемента в лингвистическом описании // прагматические и

– Бизнинг ит қалай? – деди янги директор.

– Бу итни танийман, – деди Тиллаев ва нарироқда янги директорнинг чарм тўнини туфлаб артаётган Қурбонбойга бир қараб, уйга кириб кетди.

“Уй-рўзғорни қўриқлаш, ов овлаш ва шу каби мақсадлар учун сақланадиган тўрт оёқли сутэмизувчи уй ҳайвони” ит сўзининг денотатив маъноси саналади. Асарда янги директор тилидан айтилган Бизнинг ит қалай? гапида айнан мана шу асл маъноси назарда тутилган. Лекин бу лингвистик белги кўчма маънода келиб, **“бировнинг манфаатларини ҳимоя қилиб, бошқаларга зулм ўтказувчи одам; малай”** маъносида ҳам келади. Худди мана шу маъно Тиллаевнинг “Бу итни танийман” дейиши ва “янги директорнинг чарм тўнини туфлаб артаётган Қурбонбойга бир қараб” қўйишида ўз аксини топган. Ушбу гапда ит лисоний белгиси прагматик муносабатни юзага чиқарувчи восита вазифасини бажарган.

Ш.Сафаров тил тизими тараққиётининг бошланғич нуқтаси (даври) прагматикадан бошланишини ёзган эди. Дарҳақиқат, тил биринчи ўринда сўзловчининг шахсий истаги, фойдаси учун хизмат қилади. Тилнинг нутқ ижодкори билан боғлиқ томонларини ўрганиш муҳимдир. Бошланғич ҳолатда оддий тузилишда бўлган прагматик структура ижтимоий тажрибанинг кенг қамровлиги туфайли ўзгариб, мураккаблашиб бориши мумкин. Мулоқот вазиятларининг ўзгариб, мураккаблашиши прагматиканинг

семантические аспекты синтаксиса. – Калинин, 198. – С. 12-18.



семантик қобиғи тўхтовсиз кенгайиб боришига олиб келади. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ҳар қандай матннинг лисоний таҳлилини, аввало, прагматикадан бошлаш керак.

Ч.Пирс белги назарияси доирасида коммуникатив фаолият субъекти омилини инобатга олиш лозимлигини айтган эди. У белгининг муносабат майдони уч йўналишдан – белги (репрезентамен), белгининг тавсифини берувчи восита (интерпретанта), белгида акс топаётган объектдан иборатлигини қайд этган эди. Қуйидаги мисолдан белгининг муносабат майдонини аниқлашга ҳаракат қиламиз:

— Болам, бу гап-ку икковимизнинг ўртамизда қолсин, тагин Худо уриб анови **“қора”**си қурғурдан тотиниб - потиниб юрганинг йўқми? – деди.

— Қораси нимаси?

— Биз ейдиган **“қорахон”** бор-ку, ўшани айтяпман.
(“Шум бола” 128-б)

Демак, бизга прагматик таҳлил объекти сифатида **“қора”**, **“қорахон”** лисоний белгилари берилмоқда. Булар белги, яъни репрезентамен, моддий кўринишга эга восита ҳисобланади, моддий кўринишга эга экан, демак, улар онгда маълум маънога эга. Бу белгининг онгдан ўрин олган маъноси интерпретанта ҳисобланса, энди бу репрезентаменнинг идрок этувчи онгидан жой олган, унинг тавсифини берувчи воситасини аниқлаймиз. Бу белги тингловчи онгида “ранг-туси мавжуд рангларнинг барчасидан тўқ; қозонкуя, кўмир тусидаги” рангни ифодалайди, демак, худди шу восита интерпретанта саналади. Энди биздан

белгининг муносабат майдонини ифодаловчи учинчи йўналишни аниқлашимиз талаб қилинади. Бизга берилган мазкур репрезентаменлар идрок қилувчининг онгидан ўрин олган интерпретанта билан қай даражада мос ёки объектга бу белгилар қай даражада таъсир қилади? Сўзловчи бу сўзлар орқали ана шу рангни назарда тутганми? Сўзловчининг нияти “кўмир тусидаги” ранг эмас, балки бу белгиларда акс этаётган объект “кўкнорининг думбул бошоғи ширасидан қуритиб тайёрланадиган, қаттиқ маст қиладиган гиёҳванд модда; тарёк, афюн” эди. Демак, репрезентаменда худди мана шу объект назарда тутилган. Бундан шуни хулоса қилиш мумкинки, ҳар қандай репрезентамен, яъни белги нутқ фаолиятига олиб кирилгандагина уни прагматик таҳлил объектига айлантира оламиз.

А.Қаҳҳорнинг “Майиз емаган хотин” ҳикоясидан олинган қуйидаги парчадан ҳам ижтимоий прагматик мазмунни англаб олиш қийин эмас:

– Сен гапирма! Сенга ким кўйибди гапиришни! Уста Мавлоннинг ўғлидан бир ҳовуч майиз олганингни ўз кўзим билан кўрганман!..

Ҳамма кулиб юборди. Томдан кимдир қичқирди:

– **Ҳа, бу кишининг хотини майиз емаган!**

“Майиз емаган” бирикмаси орқали муаллиф бўлиб ўтган воқеага кинояли тарзда ҳамда ижтимоий ҳодисаларга, яъни аёлларнинг паранжи остидаги воқеаларига ишора қилади.

Кимдир рус шоири Александр Блокдан сўрабди: “Охирги пайтларда кам ёзаяпсиз. Россия ташвишда. Сизнинг ишлашингизга бирор нима халақит



беряптими?”. Шоир унга “Ҳа, менга Лев Толстой **“халақит”** беряпти, деб жавоб қайтарган экан.

Семиотиклар тилни синтактика, семантика ва прагматикага ажратадилар. Парчадаги “халақит” сўзини мана шу уч аспект бўйича таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз. Лингвистик белгининг кетма-кетлиги тамойилидан келиб чиққан ҳолда, “халақит” сўзи х-а-л-а-қ-и-т белгиларининг кетма-кетлигидан ташкил топган. Бу лингвистик белги ўз навбатида синтактик томондан Лев Толстой сўзи билан боғланган. Семантик томондан эса “бирор иш-ҳаракатга монелик кўрсатмоқ” ликни ифодалайди. Берилган парчада “халақит” сўзи кўчма маънода келиб, “бирор иш-ҳаракатга монелик кўрсатмоқ” ликни эмас, прагматик мазмунни юзага чиқарувчи восита вазифасини бажаряпти.

Ҳозирги кунда тилнинг белгилар системаси эканлигини деярли барча тилшунослар эътироф этмоқдалар. Семиотиканинг долзарб муаммолари тилшунослар диққат марказидадир. Семиотиканинг таркибий қисмлари бўлмиш синтактика, семантика ва прагматика ўзаро узвий боғлиқликда ўрганилмоқда. Дастлабки тадқиқотларда прагматика синтактика ва семантикага нисбатан кам тадқиқ этилган бўлса, ҳозирги кунда прагматика муҳим тадқиқот объектига айланмоқда. Дарҳақиқат, сўзловчи нутқи орқали ўзининг шахсий истакларини, тингловчига муносабатларини ифода этишни мақсад қилади. Ана шу мақсад қай тарзда ва қандай лисоний белгилар орқали амалга ошишини текшириш прагматика учун хосдир.

References:

1. Ҳақимов М. Ўзбек прагмалингвистикаси асослари. - Тошкент., 2013.
2. Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент., 2008.
3. Маҳмудов Н. Ўзбек тили синтаксисининг долзарб масалалари //Ўзбек тили ва адабиёти. 1990. №2.
4. Нурмонов А. Лингвистик белги назарияси. – Тошкент., 2008.
5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати 5-жилд. – Тошкент., 2006

Интернет манбалари

1. Звегинцев В. А. Теоретическая и прикладная лингвистика. М., 1968.
2. Маслов Ю. С. Какие языковые единицы целесообразно считать знаками?- В кн. Язык и мышление . М., 1967.
3. Почепцов Г.Г. О месте прагматического элемента в лингвистическом описании // прагматические и семантические аспекты синтаксиса. – Калинин.

Бадий манбалар

1. Саид Аҳмад. Танланган асарлар. III жилдлик. II жилд. – Тошкент., 2000.
2. Ғафур Ғулом. Шум бола. – Тошкент., 2017
3. Саид Аҳмад. Танланган асарлар. III жилдлик. I жилд. – Тошкент., 2000.
4. Абдулла Қаҳҳор. Танланган асарлар. V жилдлик. III жилд. – Тошкент., 1998.